

**Махмонов Уктам Аширович,**

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини  
механизациялаш муҳандислари институти Қарши  
филиали "Умумтехник фанлар" кафедраси катта  
ўқитувчиси

## КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 378.147:002

---

### **МАХМОНОВ У.А. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ушбу мақолада кредит-модуль тизимида талабалар билимини баҳолаш жараёнининг амалга оширилиши, унинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти ҳақидаги фикрлар баён этилган.

Таянч сўз ва тушунчалар: кредит, кредит-модуль тизими, кредит-соат, ECTS тизими, кундалик-йўл харита.

---

### **МАХМОНОВ У.А. ОСОБЕННОСТИ ОЦЕНКИ ЗНАНИЙ СТУДЕНТОВ В КРЕДИТНО- МОДУЛЬНОЙ СИСТЕМЕ**

В данной статье описывается процесс оценки знаний студентов в кредитно-модульной системе, её отличительные особенности и значение.

Ключевые слова и понятия: кредит, кредитно-модульная система, кредит-час, система ECTS, дневник-дорожная карта.

---

### **MAKHMONOV U.A. FEATURES OF THE ASSESSMENT OF STUDENTS KNOWLEDGE IN THE CREDIT-MODULE SYSTEM**

The article describes the process of assessing students' knowledge in the credit-module system, its distinctive features and significance.

Key words and concepts: credit, credit-modular system, credit-hour, ECTS system, diary-roadmap.

**Кириш.**

Ривожланаётган Ўзбекистон дунё нигоҳида келажаги порлоқ мамлакат сифатида кўзга ташланмоқда. Ҳозирги даврда мамлакатда турли соҳаларда, жумладан олий таълим тизимида ҳам, мамлакатнинг келажаги учун мустаҳкам пойдевор қуриш ва ривожланган мамлакатлар даражасига эришиш учун кўплаб ислохотлар ва ишлар амалга оширилмоқда. Келажак авлоднинг билимли ва баркамол бўлиб етишиши, уларга берилаётган имкониятларнинг дунё бўйлаб кенг қамровли бўлишини таъминлаш мақсадида мамлакат таълим тизимида янги таълим технологиялари, хориж тажрибалари жорий этилмоқда ва мос тарзда ўзгаришлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 1999 йил июнь ойида Италиянинг Болонья шаҳрида дунёнинг 29 та мамлакатини ўртасида имзоланган, айни пайтда дунёнинг 48 та мамлакатини иштирокчисига айланган Болонья декларациясига Ўзбекистоннинг қўшилиши ва таълим тизимида кредит-модуль тизимини жорий этиш борасида ишларнинг бошлаб юборилиши мамлакат олий таълим тизимида замонавий ўзгаришлар даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида кўра 2017-2021 йилларда олий ва олий таълимдан кейинги таълим тизимида Ўзбекистоннинг Болонья декларациясига қўшилишига шарт-шароитлар яратилади ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизими жорий этилади. Кредит-модуль тизими бизнинг таълим тизимимиз учун ўқитишнинг янги тизими бўлиб, бу борада етарлича тажриба эга эмасмиз. Шу сабабли мамлакатимизнинг етакчи олимлари ва мутахассислари томонидан хориж мамлакатларининг, кўпроқ эътибор Европа мамлакатларига қаратилган, тажрибалари ўрганилиб, бизнинг миллий менталитетимизга хос бўлган, шу билан бирга дунё мамлакатлари ҳам тан оладиган янги ўқитиш тизимини яратиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Айни дамда мамлакатнинг олий таълим тизимидаги етакчи 33 та олий ўқув юртларида, жумладан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚХММИ) ва унинг жойлардаги филиалларида ҳам, ўқитишнинг кредит-модуль тизимида ўтиш борасида ишлар олиб борилмоқда. ТИҚХММИ Қарши филиалида 1-курс талабаларини ўқитиш

жараёни кредит-модуль тизимида ташкил этилган бўлиб, дарс машғулотида ҳафтасига 26 соатдан ошмаган миқдорда олиб борилмоқда. Шунингдек бир ўқув йили 3 семестрдан, яъни тристрдан иборат бўлиб, ҳар бир семестр 10 ҳафтани ташкил этади. Бир семестрда 4-5 та фандан дарс машғулоти ўтилиши режалаштирилган. Ҳафтада 5 кун дарс машғулоти ўтказилади, шанба кунини эса талабаларнинг мустақил иш билан шуғулланиши учун ажратилган ва шу кунини дарслар ўтилмайди. Кредит-модуль тизими учун зарур бўладиган барча меъёрий ҳужжатлар, жумладан фанларнинг ўқув дастури ва фанлар бўйича силлабуслари ишлаб чиқилиб, ҳар бир фан учун кредит-соатлар миқдори белгилаб берилган. Талабаларнинг мустақил ишларни бажаришлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Биз учун янгилик бўлган кредит-модуль тизими, унинг мазмун-моҳияти, тизимда қўлланиладиган атамалар ва тушунчалар ҳамда уларнинг мазмуни, тизимда ўқув жараёнини ташкил этиш, талабалар билимини баҳолаш масалаларини ўрганиш ва уларнинг моҳиятини ёритиб бериш борасида олимларимиз ва етакчи мутахассислар томонидан қўлланмалар, мақолалар чоп этилмоқда. Жумладан, 2020 йилда Б.Ш.Усмонов, Р.А.Хабибуллаевлар томонидан “Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш” номли ўқув қўлланма чоп этилган бўлиб, унда кредит-модуль тизими ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Ўқув қўлланмада кредит-модуль тизимида талабалар билимини баҳолаш тартиби ва унинг ўзига хослиги баён этилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом”да қуйидагича кўрсатиб ўтилган: “Бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида талаба одатда бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида 60 кредит тўплаши белгиланади. Семестр давомида талаба томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган кредитлар ҳажми

<sup>1</sup> Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. – 120 бет.

ўқув режасида кўрсатилган мажбурий ва танлов фанларни ўз ичига олади”<sup>1</sup>.

Мамлакатимизнинг етакчи университетларидан бири бўлган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида қабул қилинган “Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизими тўғрисида Низом”<sup>2</sup>да фан дастурида (силлабуста) белгиланган баҳолаш тартиби ҳамда тегишли иловада келтирилган ижобий баҳолар доирасида баҳоланган таълим олувчиларга синов бирликлари берилиши, талаба белгиланган таълим олиш натижаларига эриша олмаган тақдирда, синов бирликлари берилмаслиги таъкидлаб ўтилган. Низомда “Баҳолаш усуллари фан ёки модул доирасидаги талабанинг ютуқларини акс эттирувчи ва тасдиқловчи ёзма, оғзаки, амалий иш, лойиҳа, портфолио ва назоратлар каби турларни ўз ичига қамраб олади. Баҳолаш мезони таълим олиш натижасига эришилганлигини акс эттириши шарт” деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом”да шундай дейилган: “Кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25-30 академик соатлик ўқув юкмасига тенг. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни тўплаши учун маълум миқдордаги ўқув юкмасини ўзлаштириши зарур. Ўқув юкмаси бакалавриятда - 40-50% аудитория соати, 50-60% мустақил иш соатига, магистратурада – 30-40% аудитория соати, 60-70% мустақил иш соатига (малакавий амалиёт ва битирув малакавий ишлари бундан мустасно) бўлинади. Кредитнинг соатлардаги миқдори ва ўқув юкмаси миқдори олий таълим муассасаси кенгаши томонидан белгиланади ва олий таълим муассасаси веб-саҳифасида шаффоф тарзда жойлаштирилади”<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом” (15-банди, 3-абзац).

<sup>2</sup> Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизими тўғрисида Низом. - Тошкент, ТАТУ, 2018.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул

Юқорида айтиб ўтилган ўқув қўлланмада ҳам, Низомларда ҳам талаба фан бўйича бир кредитни қандай қилиб тўплаш тартиби, аниқ йўл-йуриғи кўрсатилмаган.

**Мақоланинг мақсади.** Ушбу мақолада кредит-модель тизимида талабалар билимини баҳолаш, унинг аҳамияти, баҳолаш жараёнида эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар, баҳолаш жараёнининг адолатли ва шаффофлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек талабаларнинг фанлардан кредитларни тўплаш тартиби ҳақида муаллифнинг таклифлари келтирилган.

### **Мақоланинг илмий янгилиги.**

Ўзбекистонда кредит таълим тизимига асосланган миллий моделни ишлаб чиқишда, Европа ECTS кредити ва Америка кредит соатлари тизимларининг ютуқларини инobatга олган ҳолда юқори таълим сифатини ва дунё таълим жараёнларига интеграциялашиш учун ишончли асосни танлаш мақсадга мувофиқдир. Кредит-модуль тизимини амалга ошириш сермашаққатли ва мураккаб тизимдир. Кредит-модуль тизимида аҳамият бериладиган асосий масалалар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш ва имкониятлар яратиб бериш;
- талабалар билимини кредит-модуль тизимида мос рейтинг асосида баҳолаш.
- ўқитишнинг модулли технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- талабаларнинг ўз устида мустақил ишлашини таъминлаш учун фаннинг методик таъминотини янада такомиллаштириш.

Кредит-модуль тизимининг аҳамиятга молик томонларидан бири талабалар билимини баҳолашда кредит-соатлардан фойдаланилишидир.

### **Асосий натижалар.**

**Credit, Credit-hour** (кредит, кредит-соат) – ўқув ишлари ҳажмини ўлчашнинг ягоналаштирилган бирлиги. Бир кредит бир семестр давомида ҳар ҳафтада ўтиладиган бир академик соатни ва уни ўзлаштириш учун белгиланган мустақил таълим соатларини ўз ичига олади<sup>4</sup>.

қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом” (15-банди, 2-абзац).

<sup>4</sup> Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модул тизимида ташкил қилиш.

1-расм. Кундалик - йўл харитаси<sup>1</sup>.

ТИҚХММИ Қарши филиали "Қишлоқ хўжалигини механизациялаш" факультети \_\_\_\_\_ таълим йуналиши  
 \_\_\_\_\_ гуруҳ талабаси \_\_\_\_\_ нинг « \_\_\_\_\_ » фанидан кредит йиғиш кундалик-йўл харитаси

Маъруза	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	ОН	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	ОН	
Талабанинг ўзлаштирганлиги ҳақида маълумот																							
Ўқитувчининг имзоси																							

Амалий машғулот	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Талабанинг ўзлаштирганлиги ҳақида маълумот										
Ўқитувчининг имзоси										

Мустақил таълим	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Талабанинг ўзлаштирганлиги ҳақида маълумот															
Ўқитувчининг имзоси															

Кредитлар сони (жами 4 кредит)	Кредит туплаш учун бажариладиган топшириқлар сони ва тури	Тўплаган кредит миқдори	Ўқитувчининг имзоси
1-чи кредит	Талаба 1,2,3,4,5-маърузалар, 1,2,3-амалий машғулот, 15 соат мустақил таълимни тўлиқ ўзлаштира		
2-чи кредит	Талаба 6,7,8,9,10-маърузалар, 4,5-амалий машғулот, 15 соат мустақил таълимни тўлиқ ўзлаштира ва 1-ОН топшира		
3-чи кредит	Талаба 11,12,13,14,15-маърузалар, 6,7,8-амалий машғулот, 15 соат мустақил таълимни тўлиқ ўзлаштира		
4-чи кредит	Талаба 16,17,18,19,20-маърузалар, 9,10-амалий машғулот, 15 соат мустақил таълимни тўлиқ ўзлаштира, 2-ОН ва ЯН топшира		

Талаба: \_\_\_\_\_  
 имзо Ф.И.Ш  
 Фан ўқитувчиси: \_\_\_\_\_  
 имзо Ф.И.Ш  
 Деканат вакили: \_\_\_\_\_  
 Имзо Ф.И.Ш

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, мамлакатимизнинг олий ўқув юртларида жорий этилаётган ECTS тизимида 1 кредит-соат = 30 соат деб олинади. Демак талаба ушбу 1 кредит-соатни тўплаши учун умумий ҳажми 30 академик соатлик ўқув юкларини бажариши талаб этилади. Бунда шу нарсага алоҳида эътибор қаратиш лозимки, бу юкларнинг камида 50% - 60% миқдорини мустақил иш соати ташкил этади. Масалан, 30 соат = 14 соат аудитория машғулоти + 16 соат мустақил иш деб олсак, у ҳолда талаба 14 соат аудитория машғулоти (мисол учун, 6 соат маъруза, 4 соат амалий машғулот, 4 соат лаборатория машғулоти)

Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. 9-бет.

<sup>1</sup> Ушбу кундалик - йўл харита муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ни ўзлаштириши ва қўшимча тарзда ҳажми 16 соатлик бўлган мустақил иш топшириқларини бажариши лозим бўлади.

Талабанинг қўлида ҳар бир фандан кредитларни тўплаш тартиби ва қанча кредит тўплаганлигини доимий тарзда кўрсатиб турувчи, унинг фанлардан тўплаган кредитлари миқдори акс этувчи ҳужжат бўлиши керак. Бу ҳужжатни **кундалик- йўл харитаси** деб аташни таклиф этаман. Ана шундай кундалик-йўл харитасининг таклиф этилаётган намунаси 1-расмда келтирилган. Кундалик-йўл харитаси талабанинг имзоси, фан ўқитувчиси ва факультет деканати вакили имзоси ва муҳр билан тасдиқланади.

1-расмда келтирилган кундалик-йўл-харитаси олий ўқув юртларининг 5311001 – "Технологик ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ / СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ 2021, 3 (100)

1-жадвал. Баҳоларни конвертация қилиш жадвали (5 балли тизимдан фоизга)

5 балли	100% шкала	5 балли	100% шкала	5 балли	100% шкала
5,00 – 4,96	100	4,30 – 4,26	86	3,60 – 3,56	72
4,95 – 4,91	99	4,25 – 4,21	85	3,55 – 3,51	71
4,90 – 4,86	98	4,20 – 4,16	84	3,50 – 3,46	70
4,85 – 4,81	97	4,15 – 4,11	83	3,45 – 3,41	69
4,80 – 4,76	96	4,10 – 4,06	82	3,40 – 3,36	68
4,75 – 4,71	95	4,05 – 4,01	81	3,35 – 3,31	67
4,70 – 4,66	94	4,00 – 3,96	80	3,30 – 3,26	66
4,65 – 4,61	93	3,95 – 3,91	79	3,25 – 3,21	65
4,60 – 4,56	92	3,90 – 3,86	78	3,20 – 3,16	64
4,55 – 4,51	91	3,85 – 3,81	77	3,15 – 3,11	63
4,50 – 4,46	90	3,80 – 3,76	76	3,10 – 3,06	62
4,45 – 4,41	89	3,75 – 3,71	75	3,05 – 3,01	61
4,40 – 4,36	88	3,70 – 3,66	74	3,00	60
4,35 – 4,36	87	3,65 – 3,61	73	3,00 дан кам	60 дан кам

жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (сув ҳўжалигида) бакалаврият таълим йўналишига ўқитиладиган “Метрология ва стандартлаштириш” фани учун ишлаб чиқилган бўлиб, кредит-модуль тизимида фанга ажратилган ўқув соатлари миқдори қуйидагича белгиланган: аудитория соатлари миқдори 60 соат (маъруза - 40 соат, амалий машғулот – 20 соат)ни ташкил этади ва талабанинг мустақил иши учун 60 соат ажратилган. Кредит-соат бирлиги – 4 кредит. Демак, талаба курсни ўзлаштириш учун 4 кредит тўплаши лозим. Агар талабанинг қўлида ушбу фандан тавсия этилаётган кундалик-йўл харитаси бўлса, у фандан қайси мавзунини ёки топшириқни бажарса қанча кредит тўплай олишини очиқ-ойдин кўриб туради ва шунга қараб ўз фаолиятини режалаштиради.

Кундалик-йўл хаританинг моҳияти шундан иборатки, талаба ўзининг бажарган иши ҳақида очиқ-ойдин маълумотга эга бўлади ва ўз фаолиятини шунга қараб режалаштириб боради. Ўқитувчи томонидан эса кундалик-йўл харитасининг тегишли катакчасига талабанинг мавзунини ўзлаштириш даражасига қараб тегишли баҳолар (5 балли тизимда) қўйилади. Бу баҳолар эса ўз навбатида гуруҳ журналига ҳам қайд этиб борилиши мумкин. Талаба барча мавзуларни ўзлаштириб, топшириқларни бажариб, ОНларни муваффақиятли топширгач ЯНга киритилади. Бунда талаба барча топшириқларнинг камида 90%ини бажаришга эришиши талаб этилади. ЯН баҳосини қўйишда ўқитувчи ёки комиссия аъзо-

лари талабанинг қилган меҳнатини эътиборга олган ҳолда баҳолашни амалга ошириши тавсия этилади. Бунда кундалик – йўл харитага асосланишлари мумкин.

Талабаларнинг билимини 5 балли тизимда баҳолашнинг афзаллиги шундан иборатки, талабанинг фанлардан олган баҳосини 100 баллик тизимга ёки бошқа мамлакатларнинг баҳолаш тизимларига конвертация қилишда қулайлик яратилади. Масалан, талаба бир фанни ўзлаштириш жараёнида дарс машғулотлари (маъруза, амалий ва лаборатория машғулотлари, оралиқ ва якуний назоратлар)да 19 та “3” баҳо, 12 та “4” баҳо ва 10 та “5” баҳо олган бўлсин. Бу баҳоларнинг ўртача арифметик қиймати (ЎАҚ)ни ҳисоблаймиз:

$$\text{ЎАҚ} = (19 \cdot 3 + 12 \cdot 4 + 10 \cdot 5) / 41 = 155 / 41 = 3,78$$

Бу қийматни 100% лик шкалага конвертация қиладиган бўлсак, у 3,76 - 3,80 интервалда ётади ва 76 баллга тўғри келади (1-жадвалга қаранг). Европа мамлакатлари кредитларини кўчириб ўтиш ва тўплаш тизимида 3,78 балл “С” даражага, АҚШ баҳолаш тизими (А-Ғ) да “В” даражага тенг кучлидир.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, кўпгина ўқитувчилар талабанинг мустақил иши деганда реферат, конспект ёки бошқа бир ҳужжат кўринишидаги нарсаларга кўпроқ эътибор қаратишади. Талабанинг мустақил ишини баҳолаш ва ҳисобга олишда унинг маъруза мавзусига ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўришини, лаборатория машғулотларини бажариш учун тайёргарлик ишларини ҳам инобатга



олиш ва шундан келиб чиққан ҳолда талабага мустақил тарзда ёзиб келадиган реферат мавзуларини бериши лозим, бунда албатта иш ҳажмининг ҳаддан ташқари ошиб кетишига йўл қўймаслик лозим. Чунки талабага фақат ёзиб-чизиб келадиган мустақил ишлар кўплаб бериладиган бўлса, унда жисмоний ва ақлий зўриқишларни келтириб чиқариши мумкин. Оддий ҳисоб-китоб ишларини ўтказайлик. Талаба бир семестрда 5 та фан ўқийди. Ҳар бир фандан мустақил иш учун ажратилган соат миқдорини ўртача 90 соат деб олсак, талаба  $5 \cdot 90 = 450$  соат ҳажмдаги топшириқларни бажариши керак. Агар фан ўқитувчиси ҳар бир рефератни 6 соат миқдорда белгилаб, талабаларга реферат ёзиб келиш топшириғини берса, улар 15 та реферат ёзиши керак бўлади. Ҳар бир рефератни ўртача 15 бетдан иборат десак, 225 бетлик маълумот ёзиши керак. 225 бетни фанлар сони 5 га кўпайтирсак, 1225 бет маълумот ёзиши керак бўлади! Бу бир семестрда!

Фақат ёзиш-чизиб билан шуғулланиш талабаларнинг эркин ижодий фикрлашига, ўз ғояларини ифодалашига тўсқинликларни келтириб чиқаради, ҳамда уларнинг вақт потенциалидан самарали фойдаланишини чеклаб қўяди. Шунинг учун фанлардан талабаларнинг бажарадиган ёзма шаклдаги мустақил ишлари сони ва ҳажми кафедра йиғилишида ва факультет ўқув-услугий кенгашиларида кўриб чиқилиши лозим деб ҳисоблайман.

Анъанавий таълимга нисбатан кредит-модуль тизимида талабанинг мустақил ишларига алоҳида эътибор қаратилади ва унинг бажарилиши шакли кенг қамровлидир.

Талабанинг бажарадиган мустақил ишлари қуйидаги гуруҳларга ажратилиши мумкин:

– талабанинг бевосита ўзи мобил қурилмаси орқали амалга ошириладиган мустақил иш турлари (дарсга тайёрланиш, ахборот излаш, FAQ (қўп сўраладиган саволлар), форум, тест ечиш, назорат ишига тайёрланиш);

– анъанавий шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши (масала ечиш, реферат тайёрлаш, коллоквиум, эссе, тақдимот, кейс-стади, курс иши, курс лойиҳаси, ҳисоб-график ишлари ва бошқалар);

– электрон шаклдаги ўқитувчи раҳбарлигидаги талабанинг мустақил иши<sup>1</sup>.

Талабаларга мустақил ишларни бажартиришда мотивация муҳим ўрин тутаети. Бунда ўқитувчи талабани рағбатлантирган ва қизиқтирган ҳолда топшириқларни бажаришга йўналтириши, уларда инновацион ғояларни шакллантира олиши керак. Демак, кредит-модуль тизимида ҳам ўқитувчининг талабани тўғри йўналтира олиши ва рағбатлантириши муҳим аҳамиятга эга.

**Хулоса** сифатида шунини айтиш мумкинки, кредит-модуль тизими жорий этилаётган ОТМларда талабаларнинг фанлардан белгиланган кредитларни йиғиш босқичларини ўзида акс эттирадиган ва талабаларнинг мустақил таълим олишларида уларнинг фаоллигини таъминлайдиган мукамал ҳаракат механизми тўлиқ шакллантирилмаган.

Шунингдек кўпчилик талабалар фанлар бўйича белгиланган кредитларни қандай тартибда тўплаш, бунда нималарга эътибор бериш лозимлиги ва ўзларининг мажбуриятлари, зиммасидаги масъулият ҳақида етарлича тушунчаларга тўлиқ эга эмаслар.

Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги **таклифларни** беришни лозим топдим:

1. Ҳар бир фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда талабаларнинг белгиланган кредитларни тўплаш тартиби аниқ ишлаб чиқилиши лозим;

2. Ҳар бир талаба ўзининг ўқиш жараёнидаги ҳолати ва ўзлаштириш кўрсаткичларини доимий тарзда билиб туришини, яъни маълумотлар шаффофлигини таъминлаш. Бунинг учун юқорида тавсия этилган кундалик-йўл харитадан фойдаланишни тавсия этаман;

3. Кредит-модуль тизимида фанга ажратилган ўқув соатларининг камида 50-60% қисми талабанинг мустақил таълим олишига ажратилганлигини эътиборга олиб, талабаларнинг мустақил таълим олишга интилишини ва мустақил ҳаракатини кучайтирувчи механизмни яратиш ва амалга жорий этиш лозим;

4. Дарс машғулотида талаба билимига қўйилган баҳоларни конвертация қилишда муаммолар келиб чиқмаслигини эътиборга олган баҳолаш тизимини оптималлаштириш лозим.

5. Ҳар бир фаннинг силлабусида талабаларнинг 1 кредит-соатни тўплаши учун бажарадиган топшириқлар тури ва ҳажми аниқ кўрсатилиши лозим.

<sup>1</sup> Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юрларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. 34-37 бетлар.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030-йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 824-сон қарорига асосан қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнига кредит-модуль тизимини жорий этиш тартиби тўғрисида Низом”. Тошкент, 2020 йил.

3. Усмонов Б.Ш., Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юрларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, ТКТИ, 2020. – 120 бет.

4. Методические рекомендации по внедрению в вузе системы зачетных единиц (кредитов) / [Текст] /. Государственный университет управления, Центр качества [сост. О.В. Давыдова, В.И. Звонников, М.Б. Чельшкова ]. – М.: ГУУ, 2010. – 50 с.

5. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизими тўғрисида Низом. – Тошкент: ТАТУ, 2018 йил.

6. Рослякова Е.М., Бисерова А.Г., Хасенова К.Х., Байболатова Л.М. Модульная система обучения-опыт и перспективы. – Posted September 25th, 2014 by kaznmu & filed under Английский, Инновационные методы обучения. <https://kaznmu.kz/press/2014/09/25/%D0%BC%D0%BE%D0> (Манбага 18.09.2020 да мурожаат этилган, муаллиф томонидан таржима қилинган)

7. Азизов У. Кредит-модуль тизими ва унинг ўзига хос хусусиятлари. - [http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ECTION\\_ID=161&ELEMENT](http://uzbekistonovozi.uz/uz/articles/index.php?ECTION_ID=161&ELEMENT) (Манбага 24.09.2020 да мурожаат этилган).